



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ
МУБОРАК
БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
30 АВГУСТ,
ШАНБА

№71
(2295)

WWW.UZMAHALLA.UZ

Mahalla

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватан-дошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни, қўп миллатли бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин!

Хурматли дўстлар!

Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётий ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислохотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Айнан ана шу улуғвор ғоя асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидagi Биринчи ва Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз.

Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюқ тарихимизни янги – янада юксак Уйғониш даври билан боғлайдиган мустақкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Мир Алишер Навоий бобомизнинг “**Бу оламни яратишдан мақсад – инсон эди, уни бахтли кўриш эди**”, деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш – барча ислохотларимизнинг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда.

“**Инсон қадри учун, инсон бахти учун**” деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди.



Дунёдаги мураккаб вазиятга қарама-дасдан, иктисодиётимиз 6 ғоиздан юқори суръатларда барқарор ўсаётгани халқимиз ўз танлаб олган йўлидан дадил бораётганини кўрсатмоқда.

Юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-хунарли қилиш, уларга иш

топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдиндан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳаллагача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб йирик бизнесгача – барчасини алоҳида ёндашув асосида қўллаб-қувватлаш бўйича тизим

барпо этдик.

Тула ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иктисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айланди.

Рақамларга эътибор берайлик: кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз 2 карра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан ялпи

ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлади. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келди.

Буларнинг барчаси ислохотларимиз самараси, тараққиётимизнинг мустақкам кафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончи эмасми?

Халқимизнинг кўз ўнгида минглаб замонавий корхоналар, ижтимоий-иктисодий инфратузилма объектлари қад ростламоқда. Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳолимиз меҳнат қилиб, даромад топтомоқда.

Биз йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марта олган эдик. Саккиз ойдаёқ 5 миллионлик режани уйдаладик.

Энг муҳими, ислохотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқароимиз юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.

Анъанамизга кўра, ўтган ҳафтада тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиб, бизнес вакиллари қандай масалани кўтарган бўлса, ҳаммасига ечим топиб бердик. Улар учун 50 триллион сўмдан ортиқ янги ресурс, имтиёз ва енгилликлар яратишга келишиб, қарорини ҳам чиқардик. Биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз.

Давоми 2-саҳифада.

ЮНИСЕФ лойиҳаларида маҳалланиннг иштироки ортади

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғарғамаси — ЮНЕСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Регине Кастижио Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига ташриф буюрди.

Учрашувда Кастижио хоним ЮНИСЕФ Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келаётганини таъкидлаб, кейинги босқичдаги лойиҳаларда маҳалланиннг иштирокини кенгайтириш истагида эканини билдирди.



Ўз навбатида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий бошқармаси масъуллари ҳудудда жойлашган маҳаллалар ва “еттилик” тизими саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Учрашувда иштирокчилар келгусидаги ҳамкорлик лойиҳаларини муҳокама қилди. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳридаги “Зингирон” маҳалласи тажрибаси асосида ҳар бир туманда биттадан маҳаллада Ёшлар марказларини ташкил этиш, болалар учун қорақалпоқ тилидаги контентларни кўпайтиришга келишиб олинди.

Уқувчилар учун мактаб автотубслари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда КеҒейли туманида жойлашган Халқобод шаҳарчасидаги оилавий поликлиникани керакли тиббий ускуналар билан таъминлаш, маҳаллаларда воркаут майдонларини ташкил этиш каби масалалар кўриб чиқилди.

ТАДБИРЛИ
ОДАМНИНГ
ТАШАББУСИ
ЭЛГА НАФ
КЕЛТИРАДИ



5-а.

ТАРБИЯ — ҲАМИША ЭНГ
МУҲИМ МЕЗОН



7-а.

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko‘zgusi” журналига
ОБУНА БОШЛАНДИ!


Ҳар икки нашримиз
2026 йил давомида
Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ,
ҳуқуқий маслаҳатчи ва
илғор тажрибалар майдони
ҳамда ошқора мулоқот
минбарига айланади.

ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ —
“MAHALLA”НИ ҲАР КУНИ ВА
ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС
ЎҚИШИ КЕРАК!



Ҳа,
айтганча,
ҳар иккала
нашрнинг
обуна нархи
ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92



Иордания
Хошимийлар Подшоҳлиги
Подшоҳи Абдулла II
ибн ал-Хусайн
ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН
мамлакатимизда бўлди.



Давлатимиз
раҳбарининг тегишли
фармонларига кўра,
бир гуруҳ юртдошларимиз
МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ АРАФАСИДА
МУКОФОТЛАНДИ.



Президентимиз
САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ
ИМОМ БУХОРИЙ
МАҚБАРАСИДА олиб
борилаётган бунёдкорлик
ишларини кўздан кечирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми. Бошланиши 1-сифада.

Ўзбекистон дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 миллион кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард доллардан ошди.

Тарихимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш мақсадида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳи каби улкан ва ноёб мажмуаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари якунига етмоқда.

Ишончим комил, халқимизнинг маънавий салоҳиятига ҳар томонлама муносиб бўлган бундай бетакрор обидалар аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилиги учун янги ва жозибадор масканларга айланади. Бу мажмуалар тadbиркорларимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишда қўшимча имкониятлар эшигини очади.

Яна бир мақсадимиз – ҳалол ишлаган тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятларни кўпайтиришдан иборат.

Шу сабабли “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови” деган шиор асосида “яширин” иқтисодиётни жиловлаш бўйича муҳим чора-tadbirlарни амалга оширмоқдамиз. Бу жараёнда фуқаролик институтлари, жамоатчилик назорати субъектлари, оммавий ахборот воситалари, парламент ва маҳаллий кенгашлар янада фaол иштирок этади.

Кадрли юртдошлар! Иқтисодиётимиз ривожланиши, аҳолимиз кўпайиши билан хавфсиз ва барқарор энергия ресурсларига талаб ортиб бормоқда. Ўтган саккиз йилда абонеентлар сони 25 фоизга, яъни, қўшимча 1 миллион 600 мингга, истеъмол ҳажми эса 54 фоизга ёки қўшимча 25 миллиард киловатт соатга ошди. Шунинг учун биз келгуси тараққиётимизни “яшил” иқтисодиёт ривожига кўрмоқдамиз.

Аввало, “яшил” энергия улушини ошириш бўйича мисли кўрилмаган қадамлар қўйдиқ. Натижада электр ишлаб чиқариш қувватлари 2016 йилдаги 59 миллиард киловатт соатдан 85 миллиард киловатт соатга етди, келгуси йилда бу 97 миллиард киловатт соатдан зиёдни ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида 6,5 миллиард киловатт соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, жами генерация қувватларига “яшил” энергия улуши 30 фоизга етди.

Биз 2030 йилгача яна 35 миллиард доллар тўрирдан-тўғри инвестиция ҳисобидан “яшил” энергия улушини 54 фоизга олиб чиқамиз.

Табиятга меҳрли муносабат орқали келажак авлодларга унумдор ер, зилол сув, мусaffо ҳавога эга бўлган гўзал Ватанни мерос қилиб қолдиришни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Шу мақсадда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни янада кенгайтираемиз. Бу борада “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошираётган катта дастурларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги саккиз йилда юртимизда 31 миллион квадрат метрдан ортиқ ёки қарийб 12 мингта кўпқаватли уй-жой барпо этилгани тарихий қадам бўлди. Шу йилнинг ўзида “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилади.

2030 йилгача бутун дунёда қўлланаётган “яшил шаҳар” стандартларини асосида барча шаҳарларимизда аҳолилик даражасини 30 фоизга етказамиз.

Натижада мамлакатимиз барқарор энергия билан таъминланади, экологияга, одамларимиз саломатлигига зарарли таъсирлар кескин камаяди.

Шу билан бирга, мастер режалар асосида ҳар бир қишлоқ ва маҳаллага шаҳардаги қулайликларни олиб кирамиз. Кичик шаҳарларни замонавий инфра-тузилма асосида ривожлантириш, уларни янги босқичга кўтарамиз. Азиз ватандошлар!

Биз юртимизда ижтимоий ҳимоя сиёсатининг бутунлай янги моделини яратдик. Бу тизим хонадонларгача кириб боргани, эҳтиёжманд аҳоли билан индивидуал ишлашни йўлга қўйганимиз,



“Инсон” марказларини ташкил этганимиз – барча учун тенг имконият яратилган инклюзив жамиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳаммаимиз бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ. Барчамиз ягона юрт фарзандларимиз, ягона Ватан равнақиға хизмат қиламиз.

Шу маънода, битта бўлса ҳам қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртимиз тақдири барчамизни бирдек таъшишга солиши керак. Чунки, халқимизнинг энг катта қудрати – меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликдadir.

Шу борада “Ҳамроҳлик дастури”га мувофиқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг нафар болани таълим, касб-хунар, спорт тизимига қамраб олганимиз муҳим натижа бўлди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзоларига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, бу йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 19 триллион сўм маблағ йўналтирямиз.

Буларнинг барчаси ўз самарасини бериб, юртимизда камбағаллик даражасини 6,8 фоизга туширишга эришдик. Халқаро ташкилотлар 5-6 йил олдин ушбу рақамни 35 фоиз атрофида баҳолаганини ҳисобга олсак, қисқа даврда бу борада қандай катта йўлни босиб ўтганимиз яққол аён бўлади.

Биз тadbиркорликни ривожлантириш, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ишларимизга янги шиддат берамиз.

Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш борасидаги ислохотларимиз бир дақиқа ҳам тўхтамайди.

Муҳтарам дўстлар! Сифатли таълим-тарбия, аҳолимиз саломатлиги – келгуси тараққиётимизни ҳал қиладиган энг муҳим масала.

Сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринларни 2,5 миллионга, камровни 78 фоизга етказдик. Янги мактаблар қурганимиз, борларини кенгайтирганимиз ҳисобига қўшимча 1 миллионга ўқувчи ўрни яратилди.

Замонавий дарсликлар, илғор педагогик технологиялар асосида мактаб таълимига янги мазмун, янги сифат кириб келмоқда.

Шу даврда олий таълимда ҳам кескин бурилиш ясаб, камровни 9 фоиздан 42 фоизга етказдик. Айникса, талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ҳозирги вақтда дунёдаги топ олийгоҳларда 2 мингдан зиёд талабаларимиз тахсил олмақда. Улардан 750 нафари “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали давлат ҳисобидан ўқимоқда.

Ўтган йили юртимиз ёшлари топ-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани барчамизни албатта қувонтиради.

Айникса, фарзандлари дунёдаги энг нуфузли университетларда таълим олаётган ота-оналарнинг хурсандчилигини сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Шу ўринда бу йилдан бошлаб мактабларимизда катта бир ижобий ҳолат кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Яъни, юртимиздаги 3 та мактаб олийгоҳларга кириш бўйича 100 фоизлик натижага эришди. Булар – Қорақўл туманидаги мактаб-интернат, Навоий шаҳридаги 1-сонли ихтисослашган мактаб-интернат, Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби.

Бу, албатта, “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган эзгу ғоямизнинг амалдаги ифодасидир. Ишонаман, бундай натижалардан юртимиздаги бошқа мактаблар ҳам албатта ўрناق олади. Барча таълим даргоҳларига Учинчи Ренессанс нафаси янада кучлироқ кириб боради.

Сўнгги йилларда тиббиёт учун маблағларни 6 қарра оширдик, сифатли тиббий хизматларни маҳаллагача туширдик.

Одамларимиз юқори технологик тиббий хизматлар учун олдин фақат пойтахтга келарди. Ҳозир бундай амалиётларнинг 400 дан ортиғи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилмоқда.

Касалликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришга катта аҳамият қаратаймиз. Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиб бораётгани натижада ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайди.

Биз таълим-тарбия учун, аҳоли саломатлиги учун, муаллим ва шифокорларни қўллаб-қувватлаш учун қанча куч ва қанча маблағ керак бўлса, барчасини сафарбар этамиз!

Кадрли юртдошлар!

Бугунги ёшларимизнинг овози, ғоя ва ташаббуслари, куч-ғайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантирмоқда.

Ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, она тили билан бирга чет тилларни пухта ўрганишлари учун имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда.

Бугун давримизда саноат, сервис, қишлоқ ҳўжалиги, IT, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётган ўғил-қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Мана, футбол бўйича миллий терма жамоамиз мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб, кўп йиллик орзу-умидимизни рўёбга чиқарди.

Талаба ёшларимиз эса Халқаро ёзги универсиада ўйинларида 116 та давлат орасида илк бор топ-15 таликка кирди, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу байрам арафасида 19 ва 22 ёшли боксчиларимиз Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлиб, ўзбек бокс мактабининг шуҳратини дунёга яна бир бор намоён этди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонни чинакам спорт мамлакатига айлантириш мақсадида истиқболли ўғил-қизларимизга атаб Тошкентда улкан Олимпия шаҳарчасини барпо этдик.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта замонавий таълим ва билим берадиган Футбол академияси қад кўтарди.

Ишончим комил, замонавий спорт архитектурасининг ноёб дурдонаси бўлган ушбу мажмуалар минглаб бўлғуси чемпионларимиз учун юксак парвоз майдонига айланади.

Шу йилнинг ўзида ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 2 та оltин, 8 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритди. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида қимёдан – иқкинчи, математика ва иқтисодиётда – учинчи, IT ва география бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган ўғил-қизларимиз тисмолида бўлғуси хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни кўраемиз.

Сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай интилувчан, истеъдодли ёшлар – Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди, ғурурини тисмолидир.

Бугунги унутилмас дамларда мен бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман.

Азиз фарзандларим, доимо ёдда тутинг:

бахт – интилганники, ғалаба – курашганники!

Келажакни мардлар, тарихни ғойиблар яратади.

Ҳамиша олдинга қараб интилинг, баҳодир ўғлонларим, оқила қизларим!

Сизларнинг эзгу ишларингизда Ватан, халқ, Президент барчангизга ҳамиша ишончли таянч ва суянч бўлади.

Хурмати юртдошлар! Янги Ўзбекистон инсон қадри устувор бўлган ҳуқуқий давлат ва шундай бўлиб қолади.

Биз одил судловга эришиш учун суд ишларини тўлиқ рақамлаштириш, инсон омилини камайтириб, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш борасида фaол иш олиб бормоқдамиз. Иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд биносига бориб ўтиришга ҳожат қолмайди – таралфар судда онлайн иштирок этади, судларда очиклик, ошқоралик таъминланади. Қисқача айтганда, мамлакатимиз “рақамлашган ва адолатли суд даври” оstonасида турибди, десак, муболага бўлмайди.

Охириги уч йилда судланган шахсларнинг 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Уч мингга яқин фуқарога эса оқлов ҳукми чиқарилди. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган уч мингдан зиёд юртдошимиз афв этилди.

Куни кеча яна ана шундай 523 нафар ҳамюртимизни ўз оиласи бағрига қайтариш бўйича фармонни имзоладим.

Бундай тарихий қадамлар вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараёндир. Биз “**Ватан учун, миллат учун, халқ учун!**” деган эзгу ғоя асосида бу ишларимизни янги, юксак босқичга олиб чиқамиз.

Халқимиз фаровонлигига салбий таъсир қилаётган коррупция, монополия, бюрократия, дабда-бабозлик, маънавий таҳдидларга қарши курашни кескин давом эттирамиз.

Муҳтарам юртдошлар! Жаҳонда геосиёсий вазият ўта кескин тус олаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлиши керак? Шиддат билан ўзгараётган халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўринни эгаллаш учун нима қилишимиз зарур? Бу саволлар ҳар бир юртдошимизни ўйлантиради, албатта.

Ҳозирги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграмоқда. Юртимиз жаҳондаги кўплаб нуфузли саммитлар, халқаро форумлар ўтадиган сиёсий марказлардан бирига айланди. Бу анжуманлар Ўзбекистоннинг дунё ахлини тинчлик ва ҳамкорликка қорлайдиган эзгу даъвати сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда ташки сиёсат бора-сидиғи позициямизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан аънавий, кенг қамровли ва стратегик шериклик алоқаларини янада кенгайтираемиз.

АҚШ, Европа ва бошқа ривожланган давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кенг қўламли шериклик ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаймиз. Жанубий Осиё, Яқин ва

Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун транспорт-логистика йўлакларини яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Афғонистон минтақавий ва глобал хавфсизлиكنинг муҳим омили эканидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг ҳукумати билан конструктив ва амалий ҳамкорлик олиб бориш зарур, деб биламиз.

Биз Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни, ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қатъий позициямизни яна бир бор билдирамиз.

Эл-юртимиз уруш ва офатлар вақтида оғир вазиятга тушиб қолган беғунох инсонларга доимо беғараз ёрдам кўрсатиб келган.

Биз инсонпарварлик аъналаримизга содиқ қолиб, Ўзбекистонга олиб келинган Фаластин фуқароларига меҳмонларимиз сифатида зарур ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус фармон қабул қилдик.

Бағрикенг, меҳр-оқибатли халқимиз ушбу фармонда кўзда тутилган чора-tadbirlарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фaол иштирок этади, деб ишонаман.

Нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан яқин ҳамкорлик доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Шу кунларда Хитойда яна бир йирик анжуман – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида, унинг доирасида кўплаб учрашув ва тadbirlарда иштирок этамиз.

Шу сабабли Мустақиллик байрамини бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан биргаликда нишонлаб, эл-юртимиздан дуо олиб, эртага йўлга чиққини режа қилганимиз. Ҳеч шубҳасиз, ана шу саммит натижалари ҳам Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва мавқеини юксалтиришга, кўп векторли ташки сиёсат бўйича стратегик мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакиллариға самарали ҳамкорлик учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам дўстлар! Олдимизда қандай синов ва машаққатлар пайдо бўлмасин, биз демократик ислохотларни чуқурлаштириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимизни рози қилиш йўлидан асло ортга қайтмаймиз. Бошлаган буюк ишларимизни албатта охирига етказамиз.

Ҳеч қачон унутмайлик: биз барчамиз битта халқ, битта мамлакат, битта оиламиз!

Ҳаммаимизнинг тақдиримиз, келажакимиз, бахтимиз ва ютуғимиз ҳам ягона ва муштарак.

Ҳар бир ватандошимнинг ютуғи – бу менинг ютуғим, ташвиши – менинг ташвишим, деган фикр билан ишасак, ютуғимиз кўпайиб, ташвишимиз албатта камайиб боради.

Афсуски, дунёда турли таҳдид ва хатарлар кўп. Аммо уларга қарши биргаликда, бир тану бир жон бўлиб курашсак, албатта енгамиз. Эзгу мақсад сари қўлни қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта ютамиз.

Ҳар бир юртдошимиз ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган мана шундай ўткир талабларни чуқур англаб, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилади, деб ишонаман.

Бу улуғ айёмда Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олжаноб ишга муносиб хисса қўшаётган барча инсонларга, меҳнаткаш, бағрикенг халқимизга миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошларим! Барчангизни Мустақиллик куни билан яна бир бор санимий табриклаб, юрагимиздаги энг эзгу тилаklarимни изхор этаман.

Оллоҳ таоло азиз юртимизни ўз паноҳида асрасин! Ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик ва хотиржамлик, қут-баракат, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон давлати! Яшасин Ўзбекистон халқи!



Президент Шавкат Мирзиёев ЯПОНИЯ ТАШКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ТАКЭСИ ИВАЯ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари “Тошкент-Шарқий” аэродроми негизида барпо этилган ЯНГИ АЭРОПОРТНИ БОРИБ КЎРДИ.



Президентимиз АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЛОБАЛ ШЕРИКЛИКЛАР БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИ ПАОЛО ЗАМПОЛЛИНИ қабул қилди.

НАВОИЙ
ВИЛОЯТИ
НАВБАҲОР
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ёрдамга муҳтожнинг ёнига борсак, иштиёқ уйғонади, ишонч ортади

ЛАВҲА

ЭРТАНГИ КУН МАСЪУЛИЯТИ ДОИМО ЗИММАМИЗДА

Қачонки маҳаллани ўз уйимиздек қабул қилсак, унинг ривожини ва эртаси учун қайғуриб яшасак, шундагина қандайдир ўзгариш ва янгилик яратишимиз мумкин. Бошлаган ҳар бир ишимиздан натижа чиқаришга интилишимиз керак. Вазифаларни “хўжакўрсин” учун бажарадиган даврлар ўтиб кетди. Энди қандай ютуқларга эришган бўлсак, у ўзимизники.



Шавкат РУСТАМОВ, Навбахор туманидаги “Чорвоқўзар” маҳалласи раиси.

Шу маънода жорий йил “Яшил макон” лойиҳаси асосида “еттилик” ва аҳоли вакиллари билан бирга кўча, ариқ бўйлари ва хонадонларга 11 минг 560 туپ кўчат экдик. Худудимизда “Маҳалла боғи” барпо этилиб, у ерга манзарали дарахтлар ўтказилди. Шунингдек, томорқасида бўш майдони бўлган 420 та хонадонга 10 туپдан мева дарахт кўчати тарқатилди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида 4 та кўчада ҳашар ва ободонлаштириш ишлари ташкил этилди. “Ғойиб ота”, “Маскактепа” ва “Ахтам саҳоба” кәбристонларида аҳоли билан биргаликда жами 180 миллион сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу хайрли тadbирда 800 нафарга яқин фуқаро иштирок этди.

Хонадонма-хонадон хатлов ўтказиб, Сўпаркент кўчасидаги 75 та оила вакиллари паррандачиликка ихтисос-

лаштирдик. Уларнинг ҳар бирида 50 дондан 1 000 донгача парранда боқилиши йўлга қўйилди. Айни вақтда умумий ҳисобда 7 440 та парранда парвариш қилиняпти. Бундан ташқари, Файз кўчасидаги 32 та хонадонни узумчиликка йўналтирдик. Мазкур худудларни туман бўйича намунали кўчага айлантириш учун жадал ҳаракат қиялпмиз.

Маҳаллани “Яшил энергия” худудида айлантириш мақсадида 40 та хонадонга кўёш панеллари ўрнатилди. Шу билан бирга, 2,5 км. ички йўллар асфальтлаштирилди. 5,5 км. ичимлик сув қувури ўтқазилди.

Маҳаллада ёшлар ва ёш оилаларни миллий қадриятларимизга содиқ ҳолда тарбиялаш ва оила муқаддаслигини тушунтиришга қаратилган тарбиявий ишлар мунтазам давом этиб келяпти. Соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тўй-маросимларни исрофгарчиликсиз, ихчам тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида тарғибот ишлари олиб бoриляпти. Фаол нурунийлар кўмагида шу каби тadbирларни анчагина тартибга солишга эришдик.

Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда оилавий тadbиркорлик йўналиши бўйича 171 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилиб, шу йилнинг ўзида 17 та иссиқхона барпо қилинди. Чорвачилик ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Маҳаллани ишсизликдан холи худудга айлантириш мақсадида миришкор деҳқонлар ва хунармандлар уюшмаган ва кам даромадли аҳолига устоз тажриба ўргатиш учун бириктирилди.

62 нафар ишлаш мақсадида чет давлатга кетган фуқаронинг оиласи ўрганилди. 18 нафар хориждан қайтиб келган фуқарога тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ва доимий ишга жойлашиши учун тегишли ёрдамлар кўрсатилди.



Кимнингдир ёнига ёрдам сўраб келиш, ўзининг қийин вазиятда эканини тушунтириш осон, деб ўйлайсизми? Йўқ, бунинг учун қанча сабр ва ирода талаб этилади.

Собиржон НОРМАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навбахор тумани бўлими бошлиғи.

Бизга тикилиб турган кўзлар тубида инсонни қийнаётган, ўйлантираётган масалалар, ечимини кутаётган муаммолар бор. Мурожатлар замирида қанча дарду ташвиш, орзу ва мақсадлар муҳассас.

Хўш, мурожат қачон қаноатлантирилган ҳисобланади? Албатта, белгиланган муддатда кўриб чиқилса ва унда келтирилган ҳар бир ваз асосли ечимини топса. Бу эса “еттилик” вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Аслида, фуқаронинг идорага кўмак истаб келишини кўтиб ўтириш хато. Бугунгидек тезкор ва барча имкониятлар яратиб берилган замонда ҳар бир масъул ходим муҳтожларни ўзи қиди-

риб топиши керак. Фаолиятимиз давомида мана шу мезонга асосланиб иш кўришга ҳаракат қиялпмиз. Шифокорлар айтганидек, касални даволагандан кўра, олдини олган маъкул. Қолаверса, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил, мушуқлини осон қилиш — аҳолининг давлатга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Туманимизда истиқомат қилиб келатган Лола Сирожова ҳам ана шундай ҳаёт қийинчиликларига чидаган, синовларни ўз матонати билан енгиб келатган кизлардан. Пара енгил атлетиканинг диск улоқтириш ва найза отиш турлари билан шугулланиб, оёғида туғма нуқсон бўлса-да, тенқурларидан ортда қолмаслик, ҳатто улардан бир қадам олдинда ҳаракат қилишга интилади.

Қудрат Хайруллаев ҳам, аввало, яқинлари қолаверса, ижтимоий ходим унинг ҳаётига бефарқ бўлмаган меҳри дарё инсонлар боис бугун пара спорт

бўйича мунтазам шугулланиб, ўзининг тиришқоқлиги билан яхши натижаларни қайд этиб келатган умидли спортчиларимиздан.

Маҳаллаларда аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадини ошириш мақсадида уйда ўтирган ҳолда шугулланиш мумкин бўлган фаолият турларига жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, энг қулай ва осон иш — паррандачилик ортдан юзлаб хонадонларнинг шароити яхшиланди. Биринчи навбатда, улар оиласини туҳум ва гўшт махсулоти билан таъминляпти. Эҳтиёждан ортганини сотиб, бошқа харажатларига сарфляпти. Натижада, давлат берадиган моддий ёрдамга умид қилиб ўтирганлар сафи қисқариб, одамларнинг меҳнат қилишга иштиёқи ортяпти. Келгусида асаларичилик ҳамда иссиқхонадан самарали фойдаланиш бўйича ҳам қатор ишларни режалаштириб қўйганмиз.

МАНЗАРА

Далда бўлсак, даромадли меҳнатга интилади

Ота-онанинг фарзанди эришган ютуқдан қанчалик хурсанд бўлганини кўрганмисиз? Бу қувончни сўз билан ифодалаш қийин. Қилган меҳнатларининг самарасини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак инсон учун.



Нодира ЗЛОВА, Навбахор туманидаги “Пахтакор” маҳалласи раиси.

Маҳалла раиси ҳам худди шундай, аҳоли вакиллариинг ҳар бир ижобий натижасидан боши кўкларга етади. Сабаби аввал қийналиб, муҳтожликда кун кечираётган кишига йўл-йўрик кўрсатган, маслаҳат бериб, руҳлантирган. Энди ҳаракатлари самараси ўлароқ, ўша киши мустақил оёққа

турди. Бундан севинмасликнинг иложи бўлмаса керак.

Шу тарзда ночор аҳволдаги ҳар бир фуқаро билан алоҳида-алоҳида ишлаб келялпмиз. Уларга қараб туриб, ўйга толман. Аслида, инсон бир мўъжиза демек. У эппай олмайдиган юмушининг ўзи йўқ. Кимдир бир-биридан бежирим либослар тикса, яна биров ерга ишлов бериб, сара маҳсулотлар етиштиради. Фақатгина уларнинг ёнида далда бўлиб турадиган кўмакчи керак, холос.

Худудимизда ислохотларнинг барча-

си шу халқ манфаатлари йўлида амалга ошириляпти. Хусусан, аҳоли томорқаларига ёз ойларида умуман сув келмаслиги инobatга олиниб, 5 та артезиан кудуғи қазиб берилди. Қарабсизки, 450 та хонадонга оби-ҳаёт кириб борди. Ҳашар йўли билан кўчалардаги 1,2 км. ариқларга бетон ётқизилди. Бу куз-киш мавсуми олдиндан қилинган энг хайрли амал бўлди.

Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан аукцион орқали 81 та енгил конструкцияли дўконлар аҳолига берилиб, турли соҳаларда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Оилавий тadbиркорлик йўналиши бўйича 162 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилиб, шу йилнинг ўзида 82 та иссиқхона қурилди. Йил охирига қадар улар сонини 200 тадан ошириш ҳамда кулпнайчилик ва лимончиликни ривожлантириш режалаштирилган.

Маҳалладаги 82 та хонадондан иборат Маржонли кўчаси намунали худуд сифатида танлаб олиниб, хонадонларга “Сайхунобод” тажрибаси асосида бир неча турдаги молиявий пакетлар орқали даромад олишига кўмак бердик.

Бугун шу каби ўзгариш ва янгиланишлар нафақат бизнинг худудимиз, балки юртимизнинг барча маҳаллаларида кузатилаётгани айна ҳақиқат. Йўлга қўйилаётган қулайликлар, имкониятлар самараси ўлароқ, аҳоли даромадлари ортиб бoряпти, кундан-кунга яхшироқ яшашни бошляпти. Бу жараёнда биз раисларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан жуда хурсандман.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” баъзан фаоликлка чорласа, баъзан мулоҳазага ундайди

Дилдорахон ШАРИПОВА, Навбахор туманидаги “Сарой” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” газетасини севиб мутолаа қиламан. Унинг саҳифаларида берилаётган бир-бирдан қизиқarli мақолалар, янгилик ва ҳамкасбларимизнинг иш тажрибалари фаолиятни давомида менга жуда асқатади. Юртимизда олиб бoриляётган ободонлаштириш ишлари, маҳаллалардаги бунёдкорлик тadbирларини кузатиб, янада илҳомланаман.

Газетани идорамизнинг барча ходимлари катта қизиқиш билан кузатиб бoришади. Сабаби ундан “еттилик” вакиллариинг барчасини қизиқтирган саволларга жавоб топиш мумкин. Бериб бoриляётган ҳуқуқий маслаҳатлар, қонун ҳужжатларининг шарҳлари аҳоли саволларига муносиб тарзда жавоб бeриш имконини яратяпти. Бу газета кишини фаоликлка, шижoатга ва фикр-мулоҳазага ундайди. Эришаётган ижобий



натижаларимизда унинг ҳам муносиб хиссаси борлигини таъкидламай иложим йўқ. Шу боис мунтазам равишда нашрга обуна бўлишни канда қилмаймиз.



Президент фармони билан жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР АФВ ЭТИЛДИ.



Ҳукумат қарорига кўра, ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СПОРТ МАКТАБЛАРИ фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди.



Хорижий давлатлар оғир юкли транспортларининг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб юриши учун ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ КАМАЙТИРИЛДИ.

САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ
ТОЙЛОҚ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Жозибадор муҳит бор, интилиш ва изланиш кўп, энг муҳими, ишсизлик йўқ

МАНЗАРА

ҲАМЖИҲАТЛИК ТУФАЙЛИ ҲАШАР ВА ҲОМИЙЛИК УЮШТИРИЛАДИ

“Сочак” маҳалласи М39 халқаро автомагистрал йўл бўйида жойлашган. Автомобиллар ҳаракати йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда бу ерда техникаларга хизмат кўрсатиш, йўловчилар таомланиши учун ошхона ҳамда савдо дўконлари кенг ривожланыпти. Асосий “драйвер” ҳам тадбиркорлик ва сервис хизмати ҳисобланади.

Муҳаммад НОРМАТОВ,
Тойлоқ туманидаги
“Сочак” маҳалласи раиси.

Маҳалла географик жиҳатдан жуда қулай ҳудудда жойлашган. Вилоят марказига ҳам, туман марказига ҳам яқин. Шу боис ишсиз, бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Аҳолининг 32 фоизи давлат ташкилотларида, олий ва ўрта таълим муассасаларида, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилади. Қолган қисми тадбиркорлик, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд.



Муҳими, аҳоли ташаббускор, ҳамжиҳат. Беш маротаба “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлиб, ички кўчаларимизнинг 95 фоизини асфальтладик. Ҳашар йўли билан барча кўчага ичимлик сув тармоғи тортилди. Энди сув миносарини таъмирлаб, унга уласак бўлди, 95 фоиз аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланади. Шунингдек, ўқувчиларга қулайлик яратиш учун 52-мактаб атрофида 250 метр пёдалар йўлакчаси қурдик.

Худудда оқова сув бироз муаммо. Утган йили бир уйда ёнгин бўлганида ўт ўчирувчи машинага сув тополмай қолган эдик. Жорий йил мана шундай ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш мақсадида 200 тонналик сув ҳавзаси ташкил этдик. Энди фавқулодда ҳолатларда сувдан муаммо бўлмайди.

Кам таъминланган, камбағал оилалар доимий эътиборимизда. Тадбиркорларимиз ҳам ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келяпти. Яқинда 25 нафар кам таъминланган оила фарзандларига мактаб ўқув куроллари, икки нафар боқувчисини йўқотган, бир нафар “Камбағал оилалар реестри”да турувчи оила фарзандларига кийим-кечак олиб берилди.

Маҳаллада катта муаммолар йўқ, кичикларини эса “маҳалла еттилиги”, нуруний ва фоллар иштирокида навбатма-навбат ҳал этаймиз. Келгусида пёдалар йўлакларини кенгайтириб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали спорт комплексини қуриш ниятидамиз.

Бугун маҳаллага катта имконият, ваколатлар берилляпти. Ўйлайманки, “еттилик” аъзолари, аҳоли бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, барча масалалар ҳал этилади.

Шерзод ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тойлоқ тумани бўлими бошлиғи.



Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳавас қилса арзигulik ишлар бажарилди. Тойлоқ туманидаги “Чароғбон” маҳалласида “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этиляпти. Аҳоли турмуш фаровонлиги йўлидаги бундай эзгу саъй-ҳаракатлар одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамляпти.

Сўнгги йилларда Тойлоқ туманида катта ўзгаришлар амалга ошириляпти. Иқтисодиёти сабзавотчилик, боғдорчилик ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманда йирик ва кичик саноат корхоналари, қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари кўпайди. Шу боис туманда ишсиз аҳолининг ўзи йўқ. Мавжуд муаммолар туман ҳокими бошчилигида ҳар бир маҳалла кесимида “маҳаллабай” ўрганилиб, босқичма-босқич ҳал этиляпти.

Кувонарлиси, Тойлоқ тумани бугунги кунда ўз аҳолисининг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини тўла қондириб, республикамизнинг бошқа минтақаларига ҳам ушбу маҳсулотларни етказиб бераётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда қорамолчилик йўналишида 5 568 бош қорамол парварিশланаётган 16 та, паррандачилик йўналишида 1 миллион 704 минг бош товуқ боқилаётган 3 та, балиқчилик йўналишида 8 та, асаларичилик йўналишида 1 та йирик субъект фаолият юритяпти.

Улардан бири – Ориф Илёсов раҳбарлигидаги “Орзу-Олим-Дилмурод асалари” асаларичилик, наслчилик фермер ҳўжалигидир. Бу ерда асал етиштириш билан бирга, асалари насллари яратилди. Германиядан насли асалари олиб келиниб, кўпайтириляпти. Ориф Илёсов асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш, ёшларга бу соҳанинг сир-асрорларини ўргатиш мақсадида Асаларичилик академиясини ташкил этди. Ушбу акаде-



мия орқали олий таълим муассасалари талабалари амалиёт ўташ имкониятига эга бўлиб, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамляпти. Шунингдек, асалари ҳавоси билан даволаш хонаси (апидомик) ташкил этган бўлиб, бу ерда астма, нафас йўли, асаб касалликларига шифо улашилади. Ҳозирда 200 нафардан ортиқ шогирди, 10 нафар доимий ишчиси бор.

Туманда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос “драйвери” шаклланган. Масалан, “Тепакшилоқ” маҳалласида аҳоли хонадонларида экспортбоп малина маҳсулоти экяпти. Ушбу маҳалладаги 730 та хонадоннинг 360 таси ўртача 6-10 сотихда 1250-2500 тупдан малина етиштиради.

“Укран” маҳалласида эса томорқачиликнинг ҳадисини олган миришкор деҳқонлар кўп. Муродилла Ғиёсов ана шундай тажрибали томорқачилардан. У 4,5 сотих томорқасида йилига уч марта

экин экиб, яхшигина даромад оляпти.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг таълим ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ўз натижасини кўрсатяпти. Масалан, “Тепакшилоқ” маҳалласи ёшлар жамоаси яқинда “ДХХ кубоги” мусобақасида республикада фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, 800 миллион сўмлик универсал спорт майдончасини қўлга киритди. Бу ғалаба Мустақиллигимизнинг 34 йиллигига муносиб совға бўлди.

“Ўжақишлоқ” маҳалласида тадбиркор Шавкат Шерназаров ёшларнинг илм олишга бўлган интилишларидан келиб чиқиб, замонавий шароитга эга “Гарант таълим” ўқув марказини ташкил этди. Марказда 9 та янги ишчи ўрни яратилиб, 100 актин ўқувчи қамраб олинди.

Сўнгги ой ой давомида тумандаги 50 та маҳаллада “Обод хонадон” мезони асосида 13 298 та хонадоннинг ташки деворлари, 9 764 таси ошхонаси таъмирланди. 3096 та камбағал оила ва 39 та ёлғиз-кекса ҳолидан хабар олинди,

79 та қабристон ҳамда 3 413 та хонадонда ҳашар ўтказилди. “Уртақишлоқ” маҳалласида электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 294 дона бетон устун ва 5 дона янги трансформатор пункти ўрнатилди.

“Боғичинор” маҳалласида тадбиркор А.Ахоров ташаббуси билан 350 миллион сўмлик “Боғичинор маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Компанияда аҳолига 20 дан ортиқ, жумладан, дурадгорлик, пардозлаш ишлари, ободонлаштириш, ҳовилиларга ишлов бериш ҳамда бошқа турдаги техник ва маиший хизматлар йўлга қўйилди.

Тумандаги иқтисодий салоҳият, яратилаётган қулай инвестиция муҳити ва янги лойиҳалар учун ажратилаётган ер майдонлари, солиқ имтиёзлари ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари чет эллик ҳамкорларни жалб этишда жоziбадор бўляпти. Айни пайтда Хитой ва АҚШ инвесторлари катта қизқиш билдириб, йирик лойиҳаларни амалга оширишни бошляпти.

БУНЁДҚОРЛИК

“Чароғбон” чароғон келажакка дадил одимляпти

Сабина Бўронова “Аёллар дафтари”га рўйхатга олингандан сўнг имтиёзли кредит асосида тикув машинаси харид қилиб, тикувчилик фаолиятини бошлади. Бугун у ўзини ўзи банд қилиш билан бирга, яна олти нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминляпти.



Матлуба АМИНОВА,
Тойлоқ туманидаги
“Чароғбон” маҳалласи раиси,
туман Кенгаши депутати.

Мафиза Сабинова шу хунар ортидан даромадга кириб, беш нафар шогирдини ишли қилди. Малика Қосимова эса аёллар гўзаллик салони ташкил этиб, саккиз нафар хотин-қизни банд қилди. Шу тарика мазкур ижтимоий дафтарда турган 78 нафар хотин-қизга турли ёрдамлар кўрсатилиб, барчаси

рўйхатдан чиқарилди.

Ҳозир маҳаллада ишсизлар йўқ ҳисоби. Аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли. Уларнинг аксарияти худудда жойлашган турли давлат ташкилотлари, таълим муассасалари, шифохона ва корхоналарда ишлайди. Қолган қисми маҳалла худудидаги Тойлоқ деҳқон бозорида турли юмушлар билан банд. 345 нафар тадбиркор савдо-сотик, тамаддихона ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда.

Ёшларни ўқимишли қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу боис маҳалланинг ўзида ўрта ўқув

маркази бор. Жорий йил 72 нафар мактаб битирувчисидан 43 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Туман маркази ҳисобланган маҳаллада 2022 йилдан буён катта бунёдқорлик ишлари олиб борилляпти. Йигирмага яқин кўп қаватли тураржойлар барпо этилди. Уйсиз 96 нафар кам таъминланган оилага ҳам янги тураржойдан ўй берилди. Ҳозир “Янги Ўзбекистон” массивида яна қирққа яқин кўп қаватли уйлар қуриляпти. Бу ерда ҳам ўнлаб маҳалладошларимиз қурилиш ишларида меҳнат қиляпти.

Шу ўринда айтиб ўтишам лозимки, Президентимиз ташаббуси билан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан тушаётган маблағларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолдирилиши катта ўзгаришларга сабаб бўляпти. Масалан, биз ушбу маблағлар ҳисобига “маҳалла еттилиги”нинг моддий-техник базасини яхшиладик. Болалар майдончаси қурдик. Акмал Икромов кўчасига эски симёғочлар ўрнига 10 та темир-бетон устун ўрнатдик. Ҳашар, ҳомий ва дастур доирасида 22 та кўчанинг барчасини асфальтладик, қабристонни ободонлаштирдик.

Асосий мақсадимиз – маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб, кўп миллатли фуқароларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашдир.

ХУШҲАБАР

Ижарадагилар пинам ва чиройли идорали бўлди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрами арафасида янги маҳалла бинолари фойдаланишга топширилди.



Иштихон туманидаги “Шайхислом” маҳалласининг хизмат биноси замонавий қиёфага келтирилди. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, туман ҳокимлиги масъулари, шунингдек, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Худди шундай, узоқ йиллар Пастдарғом туманидаги Мирзо Улуғбек номи маҳалланинг маъмурий биноси йўқ эди. “Маҳалла еттилиги” шу вақтга қадар ижарада туриб, фаолият юритиб келган. Мустақиллик байрами арафасида ҳомийлар кўмаги ва халқнинг бирдамлиги эвазига янги маҳалла идораси қурилди.

Шинам ва чиройли кўринишда барпо этилган бионинг ҳар бир хонаси замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Энди у халқ хизматида. Тадбир иштироқчилари маҳалла аҳлини янги маскан билан муборакбод этди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Самарқанд вилояти бошқармаси.



Эндиликда
қурилиш объектларида
QR-КОДЛИ ПАСПОРТ
МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА
ўрнатилади.



1 сентябрдан
қимматбаҳо
тошлар тўғрисидаги
хуқуқбузарликлар
ҳақида хабар берган
шахсларга УНДИРИЛГАН
ЖАРИМАНИНГ 50 ФОИЗИ
БЕРИЛАДИ.



Давлат хизматчиларининг
ўз кўникмаларини
доимий ривожлантириб
бориши бўйича
“ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ”
МОБИЛ ИЛОВАСИ
ишга туширилади.

Mahalla

№71 | 2025 йил 30 АВГУСТ, ШАНБА

5

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ
ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Масъуллар ҳам, аҳоли ҳам бугунги ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси



Президентимизнинг Чирчиқ шаҳрига ташрифи ва бир қатор ташаббуслари билан шаҳарнинг меъморий қиёфаси ўзгариб, тараққиёт сари юз тутди. Иттифоқ маҳалласида қад ростлаган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳамда “Шодлик” маҳалласидаги кўп қаватли уй-жойлар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб, одамларнинг турмуш шароитини яхшилади. Фарзандларининг ўқиши учун замонавий боғча, мактаб ва олий таълим муассасалари барпо этилди.

Олимжон МУҚИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Чирчиқ шаҳар
бўлими бошлиғи.

Бунёдкорлик ишлари бардавом. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ишлари олиб бориляпти. Ишлаб чиқариш корхоналари кўпайтирилиб, янги иш

жойлари ташкил этиляпти. Кувонарлиси, “маҳалла еттилиги” учун зарур шарт-шароитлар яратилляпти. Жумладан, 38 та маҳалла компьютер, 23 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. 44 нафар маҳалла раисига планшет тақдим этилди. Ўз хизмат биносига эга бўлмаган — “Нур”, “Адолат”, “Иқбол”, “Маърифат” ва Аҳмад Яссавий номли маҳаллалар янги бинода иш бошлади. Аҳоли бандлигини таъмин-

лаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти. Жорий йил давомида ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилалар даромадини ошириш бўйича ҳар бир маҳаллада “Бандлик дастури” асосида тизимли ишлар қилиняпти. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” аъзолари аҳолининг ижтимоий ва маиший муаммолари ҳамда маҳаллалар инфра-тузилмасини яхшилаш борасида ўрганишлар олиб бориб, мавжуд муаммолар мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда бартараф этиляпти. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 61 нафар раҳбарга 483 нафар камбағал оила бириктирилди. Раҳбарлар ҳар бир оила бўйича камбағалликдан чиқариш юзасидан “индивидуал режа” ишлаб чиқиб, уларни камбағалликдан чиқариш чораларини кўрляпти. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 6 та хонадон ҳомий-



Чирчиқ шаҳри — Тошкент вилоятининг энг йирик бешта шаҳридан бири ҳисобланади. Пойтахтга яқинлиги, ишлаб чиқариш корхоналари кўплиги билан ажралиб туради.

лар кўмағида тўлиқ таъмирлаб берилди. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида ўтказилган умум-халқ хайрия ҳашари доирасида барча маҳаллаларда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди. 3 нафар эҳтиёжманд оиланинг хонадонини таъмирланди. “Мурувват” маҳалласида 7 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилага 250 дона парранда тарқатилди. “Бахт” маҳалласидаги ички йўллар асфальтланяпти. Мир Алишер номли маҳалла аҳолисининг узоғини яқин қилиш мақсадида янги кўприк қурилди. Ўшбу маҳаллада иккита трансформатор пункти, 535 та темир-бетон устун ва 10 километр узунликдаги замонавий кабеллар тортилиб, сифатли электр энергияси билан таъминланди.

Аҳоли ташаббуси билан Мирзо Ғолиб, “Иқбол”, “Хумо”, “Навбаҳор”, “Истиклол”, “Семурғ” маҳаллаларида “Маҳалла боғи” ташкил этилди. “Яшил макон” лойиҳаси асосида ҳар бир маҳалла ҳудудига мевали ва манзарали кўчатлар ҳамда атиргул, райхон, гултожиҳўроз гуллари экилди. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ўтказилган кўрик-танловда “Кимёгар”, Амир Темури ҳамда Мир Алишер номидаги маҳаллалар ғолиб бўлди.

Яқинда Чирчиқ технопарки ҳудудида замонавий технологиялар асосида 3 та янги инвестицион лойиҳа ишга туширилиб, 245 та янги ўрни яратилди. Шунингдек, “Нур” маҳалласида 860 ўринли замонавий 2-умумтаълим мактаби, “Бахт” маҳалласида 960 ўринли 17-умумтаълим мактаби, “Маданият” маҳалласида 100 ўринли хусусий боғча қурилди. “Камолот” маҳалласидаги 14-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди.

Агар “маҳалла еттилиги” аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла раиси раҳбарлигида уй ва кўча бошлари, нурунийлар ва фаоллар билан бир тану бир жон бўлиб, қулиқ муаммоларни ўз йўналишлари бўйича ижобий ҳал этишса, ўйлайманки, барча мақсадларга эришилади.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

“ЕТТИЛИК” ЕТИШГАН НАВҚИРОН БИНОЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида қўшалоқ байрам сифатида нишонланяпти.



Сабаби, ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларда замонавий идоралар фойдаланишга топшириляпти. Куйи Чирчиқ туманидаги “Навқирон” ҳамда “Ибрат” маҳаллалари бинолари ҳам замонавий кўринишда қад ростлаб, “еттилик” аъзолари ўз хизмат хоналарига эга бўлди. Янгийўл шаҳрида ҳам мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Туркистон” ва “Ғайзобод” маҳаллаларининг барча шароитларига эга янги бинолари фойдаланишга топширилди.

ҲОЛАТ

ТАДБИРЛИ ОДАМНИНГ ТАШАББУСИ ЭЛГА НАФ КЕЛТИРАДИ

Чирчиқ азалдан саноат шаҳри ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари кўп. Биргина Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада иккита — “Элстан” ва “Асос” трансформатор ишлаб чиқариш корхонаси, “Чирчиқ метал қурилмалари” заводи, “Best tea” чой қадоклаш корхонаси бор.



Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Чирчиқ шаҳридаги
Аҳмад Яссавий номидаги
маҳалла раиси.

Хар бирида 100-200 ўринли иш жойлари бўлиб, аҳолининг аксарияти шу ерда меҳнат қилади. Тадбиркорларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар сабаб, савдо дўконлари, кичик ишлаб чиқариш цехлари, ошхона ва ресторанлар сони

йилдан-йилга ортиб бораляпти. Бугунги кунда 64 нафар тадбиркор турли йўналишларда фаолият юрляпти. Улар ўзи ва оиласи билан бирга, маҳалладошларини ҳам иш билан таъминляпти. Масалан, “Хан Шатир” ресторанини ишга туширган тадбиркор Эрали Калдибеков 42 та иш ўрни яратди. Энди маҳсулотларини буюртма асосида манзилга етказиб бериш хизматини йўлга қўйиб, яна ўнга яқин ёшни ишли қилмокчи. Тадбиркор Малика Кенжаева-

га “Яшил макон” умуммиллий дастури асосида 85 сотих қаровсиз ётган ер маҳалла боғи яратиши учун берилди. Айни пайтда суғориш тизими ётқизилиб, даррахт экиш ишлари олиб бориляпти. Бу ерда аҳолининг марокли дам олиши учун замонавий шарт-шароитлар яратилади. Ўз навбатида, яна ўнлаб маҳалла ёшлари ишли бўлади.

Йиғин ҳудудида оқова сув таъминоти яхши бўлгани учун яшилликка алоҳида эътибор қаратяпмиз. Яна кирк сотих ер майдонида боғ яратиш нияти-дамиз.

Яқинда боқувчисини йўқотган Зумрад Эргашева ҳамда кам таъминланган оила — Азиза Исмоилованинг уйларининг том ва ички қисмларида таъмирлаш ишларини бажарди. Шаҳар ҳокими кўмағи билан ўтган йили учта катта кўча асфальтланган бўлса, бу йил 5 та кўчага шағал тўқилди. Яқин кунларда барчаси асфальтланади.

Маҳаллада 16 та кўп қаватли уй бўлиб, барчаси ўтган асрнинг 50-60-йилларида қурилган. Уларда сув, газ, электр энергияси бўлса-да, марказий иситиш тизими йўқ. Ҳовли уйларда эса канализация тармоғи тортилмаган. 2023 йилда бу ишлар бошланиб, бир-иккита кўчада қазिश ишлари олиб борилди, негадир кейин барчаси тўхтаб қолди.

Ҳозир битта мактаб, битта хусусий боғча бор. Бу эса етарли эмас. Шу боис кўшимча боғча қурилиши зарур.

ТАШАББУС

“БИРЛИК”ДАГИ БИРДАМЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Жорий йил аҳолининг менга билдирган ишончи туфайли маҳалла раиси этиб сайландим. Дастлабки иш фаолиятимни “маҳалла еттилиги”, нуруний ва фаоллар кўмағида ҳудудни обод манзилга айлантиришдан бошладик.

Эрнест СЕИТ-АСАН,
Чирчиқ шаҳридаги
“Бирлик” маҳалласи раиси.

Ободонлаштириш ишлари давом этапти. Шу кунга қадар бирликларнинг бирдамлиги туфайли катта ишлар қилинди. Хусусан, маҳалла ҳудуди тўлиқ тозаланиб, ортиқча шох-шабба ва чиқиндилар олиб ташланди. Аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Олдин электр энергияси тез-тез ўчаётган бўлса, энди муаммолар барҳам топди. Иккита кўчага шағал ётқизилди, тез кунларда асфальтлаш ишларини олиб борамиз.

Чирчиқ шаҳрига келганлар яхши билади, бу ерда даррахтлар кўп. Яшил ҳудудларни янада кўпайтириш учун маҳалла ҳудудининг юқори қисмидан оқиб ўтган “Бўзсув” каналидан сув тармоғи тортиб келяпмиз.



Бунинг натижасида қуриб қолган ариқларга яна сув келади. Куз фаслида турли манзарали ва мевали даррахт кўчатлари экамиз.

Ҳозир маҳалладошларнинг ташаббуси билан “Бўзсув” канал бўйида 3 километр саломатлик йўлағи ташкил этиш бўйича “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида қатнашяпмиз. Ғолиб бўлсақ, аҳоли саломатлиги учун ажойиб манзил пайдо бўлади.

Тегишли ташкилотлар ҳам қараб тургани йўқ, улар билан ҳамкорликда ишляпмиз. Катта йўл бўйига икки километр лоток қўйиш, эски симёғочларни янги-сига алмаштириш тақлифини мутасаддиларга етказганмиз.

Ҳозирги кунда “маҳалла еттилиги” анча йиллар олдин қурилган икки хонали уйда фаолият юрляпти. Келгусида “еттилик” аъзолари ва фуқароларга қулайлик яратиш учун янги маҳалла идораси қура-

миз. Ўйлайманки, бу борада тегишли ташкилотлар яқиндан кўмаклашади.

Бизда ишсиз, бекорчи одам йўқ. Фуқароларнинг асосий қисми маҳалла ҳудудидаги “Toshkent traktor zavodi”, “Progress metal eng”, “Mezbon furnitur house”, “Bunyodkor big business”, “Indigo garments”, “Xlorpo’mir”, “Boymurod diplomat plus” каби ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари, иккита текстил корхонаси ва учта мебель цехида меҳнат қилади. Яна бир қисми савдо-сотик, хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Ҳудуддаги йирик улғуржи бозорида ҳам ўнлаб одамлар ишли.

Мақсадим — маҳаллани энг обод манзилга, жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантиришдир. Бу борада қизгин ишлар кетяпти. Шу кунга қадар олгита оилани яраштирдик.



Энди мактабларнинг узайтирилган кун гуруҳларига қатнайдиغان камбағал оилалар фарзандлари учун алоҳида квота ажратилади ва УЛАР ТЎЛОВДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ.



Осиё Тараққиёт банки Ўзбекистондаги йўл қурилиши учун 233 МИЛЛИОН ДОЛЛАР кредит ажратди.



Миллий статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 28 август ҳолатига ЎЗБЕКИСТОНДА ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ 38 МИЛЛИОНДАН ОШДИ.

ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИ
АРНАСОЙ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Арнасой анча-мунча шаҳарлардан кам эмас

Арнасой — Мирзачўлдаги энг кенжа туман ҳисобланади. Вилоятнинг олис қисмида жойлашгани учунми, бир неча йиллар эътибордан четда бўлди. Айрим жойлар абгор ҳолга келиб қолгани ҳам рост. Очиғи, қачон туманимизга эътибор қаратилар экан, деб ўйлаб қолардик.

Набижон ИСАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Арнасой тумани бўлими бошлиғи.

Ислохотлар маҳалла тизимига янги нафас олиб кирди. Бугун Арнасой ҳеч бир шаҳардан қолишмайдиган даражага етди. Катта-кичик корхоналар ишга тушди. Одамлар ўзга юртларга иш қидириб кетишдан тўхтади. Ҳар бир маҳаллада ободлик нафаси уфуриб турибди.

Бундан руҳланган аҳоли ҳаётини фаровон қилишга, меҳнатдан қадр топишга уринмоқда. Ивланиш ва интилиш ортидан янгиликлар, ташаббусларга қўл урмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ходимлари қўшни Ғалла-оролда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали аҳоли даромадини ошириш бўйича тажриба алмашди. Ходимлар “Мулкиш” маҳалласида яшовчи Хусниддин Аъзамов хонадонда бўлиб, уй шароитида қўзқорин етиштиришни ўрганиб



қайтди. Ўнлаб маҳаллада шу соҳа йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ихтисослашувдан келиб чиқиб, деҳқончилик, чорвачилик, томорқачилик ривожланмоқда. Ғафур Фулом номидаги ҳамда “Ғолиблар” маҳалласида “Бир контур

— бир маҳсулот” тамойили асосида брокколи қарам етиштирилмоқда. Бу билан ижарага берилган ерларда ишсиз ёшлар, аёллар бандлиги таъминланди. Ғафур Фулом номидаги маҳаллада яшовчи тадбиркор Олим Шаминов

хонадонидagi 2 сотихли иссиқхонада гидропоника усулида кулупнай етиштирилмоқда.

Сайхунобод тумани тажрибаси асосида аҳоли даромадини яхшилашга эришилмоқда. Буни Бобур номидаги маҳаллада яшовчи Эргаш Тувалов мисолида кўриш мумкин. Хонадонга “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 5 млн. сўм кредит ажратилиб, 1 сотихли иссиқхона қурилди. Ҳомийлар ҳисобидан 40 дона товук ажратилди. “Маҳалла еттилиги” хонадоннинг уй-жойини таъмирлашга ёрдамлашди. Кўча юзида узумзор ташкил этилди. Томорқадан самарали фойдаланиш учун артизан қудуқ қазиб берилди. Чорва моллари ва паррандаларни озуқа билан таъминлаш мақсадида гидропоника усулида ускуна ўрнатилди.

“Олтин водий” маҳалласида яшовчи Алишер Ғозибоев ўз томорқасига 1 000 дона каврак қўчатлари ва уруғларини экиб, юқори ҳосил олмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар доимий эътиборда бўлмоқда. Жорий йил уй-жойи таъмири ва ижараси тўлаб берилган аёллар сони 83 нафарни ташкил қилди. Энг оғир тоифадаги камбағал оилаларнинг 15 тасига, “Аёллар дафтари”да турган 7 нафар хотин-қизга қурилиш маҳсулотлари етказиб берилди.

Яна бир эътирофга арзирли ҳолат — тумanning барча маҳаллалари ёруғ ва хавфсиз ҳудудга айланмоқда. Биргина Бобур номидаги маҳалланинг ўрикли кўчасига 18 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Кейинги йилларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, ҳудуд қиёфаси, одамлар турмуши тубдан яхшиланди.

“Зарафшон” маҳалласи “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида муллақо янгича кўринишга келди. Кўчалар ва хонадонлар обод бўлди. Жумладан, хонадонларнинг кўча девори соналанди, оқова сув тармоғи тозаланди. “Гулбаҳор” маҳалласидаги ички кўчалар асфальтланди.

Худудларни тоза ва озода сақлаш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида “Бахтли” маҳалласида сервис компанияси иш бошлади. Бунинг учун янги, замонавий бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Бино архитектура жиҳатидан замона талабига мос бўлиб, аҳолига яқин қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш имконини яратди.

МИКРО-ЛОЙИҲАЛАР МАКРО НАТИЖАЛАРГА АСОС БЎЛЯПТИ

Бугун меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Бунинг учун барча имконият яратилган. Фақат ана шу имкониятларни кенг тарғиб этиш, одамларга тушунтириш лозим. “Маҳалла еттилиги” ходимлари ҳамкорликда уйма-уй юриб, хатловда аниқланган ишсиз фуқароларга имтиёзли кредит, субсидия орқали даромад топиш йўллариини ўргатяпмиз, маслаҳат беряпмиз, кўмак кўрсатяпмиз.



Улуғбек БОБОЕВ,
Арнасой туманидаги
Бобур номи маҳалла раиси.

Бунинг натижаси ўлароқ, ҳудудда тадбиркорлик ривожланяпти. Энг эътиборга молик жиҳати, “маҳалла еттилиги” ташаббуси билан барча микролойиҳалар бир кўчада жамланган.

Кечагина иш сўраб юрган Ўткирбек Ёрбековга кўрсатилган ёрдам натижасида дарвоза ясашни йўлга қўйди. Бу билан 3 та иш ўрни яратиб, ойига ўртача 7,5 миллион сўм даромад кўрмоқда.

Шерали Мингбоев турмуш ўртоғи Барно Усмонова билан биргаликда хонадонида иссиқхона, қўзқоринчилик, паррандачилик ва чорвачилик фаолиятини йўлга қўйган. Ушбу оилавий тадбиркорлик лойиҳасига 33 миллион сўм кредит ажратилган. Ойлик даромад 7 миллион сўмни ташкил этмоқда.

“Камбағал оилалар реестри”даги Меҳрибон Муҳиддиновага чорвачилик йўналишида иш бошлаш учун кўмак кўрсатдик. У асос солган корхона лойиҳа қиймати 150 миллион сўмни ташкил этади. Шундан 100 миллион сўми банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Ушбу фаолият орқали 5 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, Дилмурод Ёсиргапов 100 миллион сўм кредит эвазига сувни филтрлаш ва қадоклаш корхонаси ташкил этди.



Яқинда ўзи миграцияда бўлган Элёр Анорбоев қолипти ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этиб, 3 нафар хорижда ишлаётган маҳалладошини ва 10 нафар ёшларни ишга жойлаштирди.

Унга ҳоким ёрдамчиси кўмағида 66 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонага жами 150 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ўртача ойлик даромад 160 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, камбағал оила вакиллари Урол Бобоалиев, Отабек Қосимовлар “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 17 миллион сўм кредит эвазига ўрдақчилик фаолиятини бошлади. Бу ерда 4 та иш ўрни яратилди.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?

“МАНАЛЛА” —
ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ,
ЭНГ ЗАРУР
ҲАМРОҲ



Эрмат РАЖАБОВ,
Арнасой туманидаги
“Янгибўстон” маҳалласи раиси:

— Болалигимдан мутлоа — энг сеvimли машғулотиим бўлиб келган. Ҳозир ҳам китоб, газета ва журнал ўқишни яхши кўраман. Айниқса, касбимдан келиб чиқиб, “Mahalla” газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай мутлоа қиламан. Газета замонавий дизайни билан ажралиб туради. Бундан ташқари, сермзмон саҳифалар орқали янги иш тажрибаларни ўрганапмиз.

Ҳеч шубҳасиз, “Mahalla” газетаси ва “Mahalla koʻzgisi” журнали биз — “маҳалла еттилиги” ходимларининг энг яқин дўсти, ишончли ҳамроҳига айланиб улгуради. Шунинг учун ҳар йили сеvimли наشريмизга биринчилар сафида обуна бўламиз.

“Ўсиш нуқта” ҳар бир оила рўзгорини бутлаяпти

Хорижда топаётган пулни шу ерда ҳам топса бўлади, фақат озгина ҳаракат ва меҳнат қилиш керак! Бу фикр исботини маҳаллада истиқомат қилаётган Баҳром Ибодуллаев мисолида кўриш мумкин. У ёшларга 30 йилга ажратилган ердан унумли фойдаланиб, юқори даромад топмоқда.

Пўлат ШИРИНОВ,
Арнасой туманидаги
“Чинобод” маҳалласи раиси.

Маҳаллада “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида ишсизлар, камбағал оилалар, миграциядагилар билан индивидуал иш олиб борилмоқда. “Драйвер” соҳаларни ривожлантириш янги иш ўринлари яратишга имкон бермоқда.

Жорий йил қўзқорин етиштириш янги “ўсиш нуқта” сифатида танлаб олинди. Истеъмол учун ярқоли ва жуда хушхўр бўлган ушбу маҳсулотни етиштириш орқали яхшигина даромад топиш, тадбиркорлик қилиш мумкин. Шу боис ҳоким ёрдамчиси қўзқорин етиштириш бўйича Ғаллаорол ва Мирзачўл туманлари тажрибаси




ни ўрганиб қайтди.

Маҳалладаги аксарият хонадонларда қўзқорин етиштирилмоқда. Афзаллик томони, уни йил давомида етиштириб, даромад олса бўлади. Пишиб етилгач, бир килограмми ички бозорда 25-30 минг сўмдан сотилмоқда. Яна бир афзаллиги, ҳар бир киши ўзи доимий машғул бўлган касб-корини бемалол бажариб, жой тайёрлаб, бор-йўғи 3 миллион сўм эвазига 300 миллион сўм даромад қила олади.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш муҳим восита бўлмоқда. Жорий йилнинг ўзида жами 23 нафар фуқаро кредит олиб, тадбиркорга айлан-

ди. Уларнинг 1 нафари паррандачилик, 1 нафари иссиқхона, 2 нафари сабзавотчилик йўналишида фаолиятини бошлади. Субсидия асосида 2 нафар талабгорга юк ташиш воситаси олиб берилди. 17 нафари чорвачилик, тикувчилик, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда банд бўлди.

Урол Холов имтиёзли кредит ҳисобига ўзини ўзи банд қилган бўлса, Шокир Ҳасанов, Илёс Жангиров иссиқхоначилик орқали даромад топмоқда. Шунингдек, Зебинисо Эгамқулова ҳамда Рухсора Воҳидовалар субсидия асосида тикувчилик машинаси олиб, ўз тадбиркорлигини бошлади.



“ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ”
ЛОЙИХАСИ доирасида
пойтахтдаги
12 та мактабда VR ва
робототехника хоналари
пайдо бўлади.



Тошкент метрополитенида
автоматлаштирилган
банкоматлар ўрнатилиши
муносабати билан
КАССА ОПЕРАТОРИ ЙИЛ
ОХИРИГАЧА ТЎЛИҚ
ТУГАТИЛАДИ.



2026 йилдан бошлаб
ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРЛАРИ
БОДИКАМЕРА БИЛАН
ишлайди.

Mahalla

№71 | 2025 йил 30 АВГУСТ, ШАНБА

7

АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ
АНДИЖОН
ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Бунёдкорлик, хайрли амал ва саховат тўхтагани йўқ

МАНЗАРА

Тарбия — ҳамиша ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

Мен маҳалла раиси сифатида, аввало, ҳудудимиз ободлиги, хонадонлар тинчлиги, ишсизлик, камбағаллик ва оилавий ажрашишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаман.



Барно ШАҲЗОДАЕВА,
Андижон шаҳридаги
“Маданият” маҳалласи раиси.

Боқувчисини йўқотган ҳамда кўмакка муҳтож оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўнлик режамизнинг асосий қисмига айланган. Якка-ёлғиз яшаётган кексалар ҳолидан тез-тез хабар оламиз. Уларнинг дуоси ва маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлашга эришиб келяпмиз.

Жорий йил бошидан буён бир қанча муҳтож кишиларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Гулноза Жўраева ҳамда Мавжуда Болтабоевнинг эскириб қолган уйлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Боқувчисини йўқотган 3 та оила фарзандлари учун суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Айни вақтда маҳалламизда 4 230 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги хунарамандчилик, дурадгорлик, мебель ясаш ҳамда пойабзал ишлаб чиқариш каби йўналишларда фаолият юритиб келмоқда. Билими ва шижоати баландлари тадбиркорликни бошлаб, даромадини оширяпти. Хусусан, Ҳожиакбар Дехқонов маҳалла тавсияси билан берилган 35 миллион сўмлик кредит сабаб пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Буюртмалари кўпайиб боргани сари ходимлари сафини кенгайтиряпти. Шу кунга қадар 6 нафар ишсиз фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаб келяпти.

Ҳоким ёрдамчиси Зафарбек Шамсиддинов 69 нафар фуқаронинг доимий иш ўрнига эга бўлишида ёрдамлашди. 30 нафар тадбиркорликни бошлаш истагидаги кишига имтиёзли кредит олишида амалий кўмак берди. Натижада ҳозирги кунга келиб тадбиркорларимиз сони 10 нафарга етди. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, аҳолининг яшаш шароити тобора яхшиланиб борапти. Янгидан-янги иш ўринларининг очилаётгани эса камбағал оила вакилларининг бандлигини таъминлашда катта дастак бўляпти.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида қатор хайрли амалларни бошлаб юборганмиз. Жумладан, 10 та эҳтиёжманд оила фарзандларига мактаб кийимлари ва керакли ўқув-курслар олиб берилди. Бу ўқувчиларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишида муҳим аҳамият касб этishi аниқ.

“Еттилик” вакиллари ҳар жабҳада мустақам ҳамкорлик асосида фаолият юритиб келяпмиз. Айниқса, оилалар мустақамлигини таъминлаш, низоларнинг олдини олишда натижаларимиз қувонарли. Маҳалламиздаги “Оқила аёллар” ҳаракати ҳамда “Оилавий қадриятларни мустақамлаш” комиссияси бошчилигида жорий йилнинг шу даврига қадар 4 та ёш оилани мурсога келтиришга эришдик.

Қайси замонда ва қандай шароитда яшайлик, тарбия доим энг муҳим мезон бўлиб келган. Шу маънода ёшлар онига миллий қадриятларимиз, ўзбекона урф-одатларимизни чуқурроқ синдиришга ҳаракат қиляпмиз. Агар бугун вояга етиб келаётган ўғил-қизларимиз муносиб тарбия курса, билим олиб, ўз устида ишласа, кўпала муаммоларимиз ўз-ўзидан ечимини топиб бораверади.

Бугун қайси жабҳага қараманг, ўзгариш ва янгиланишларга гувоҳ бўлиш мумкин. Энг чекка ҳудудлардан тортиб, шаҳар марказларигача бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Айниқса, маҳаллаларда олиб борилаётган ислохотлар халқ турмуш даражасини яхшилаб, фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилаётгани жуда қувонарли.



Баҳодиржон УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Андижон шаҳар
бўлими бошлиғи.

Шаҳримизда ҳам шу каби хайрли амалларнинг кети узилмаяпти. Яқинда ҳудудимизда 100 ўринли текстил маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхона қурилиши бошланди. Мазкур лойиҳа ишга тушиши натижасида аҳолининг бандлиги таъминланиши ҳамда турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши аниқ.



Шаҳримиз кўрқига айланган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида олиб борилаётган кенг кўламли таъмирлаш ишлари эса яқунланиш арафасида. Мазкур бунёдкорлик тадбири натижасида боғнинг қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳоли ва меҳмонлар учун янада муносиб дам олиш масканига айланмоқда. Янгидан қурилган пёдалар йўлаги, равон йўллар, замонавий ёритиш тизимлари ва кўкаламзорлаштириш ишлари боғга алоҳида кўрк бағишламоқда. Бу андижонликлар ва шаҳар меҳмонларининг мароқли хордиқ чиқариши учун хизмат қилади. Шундай ободонлаштириш

ишлари маҳаллаларда ҳам айни қизғин паллада. Хусусан, “Қорақўрғон” маҳалласи идорасининг эскириб кетган биносини янгидан барпо этиш учун 300 миллион сўмлик лойиҳа тайёрланиб, қурилиш бошлаб юборилган. Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилаётган замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган бу бино Мустақилликнинг 34 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Шаҳримизнинг “Обод”, “Бўстон” ҳамда “Ҳамкорлик” маҳаллалари идоралари ҳам эскириб, фойдаланишга яроқсиз холга келиб қолгани учун янгидан қуриб берилляпти.

Умид қиламизки, маҳалла ходимларига яратиб берилган бундай шарт-шароитлар уларнинг иш унумдорлигини янада ошишига хизмат қилади.

Қийналганларга ёрдам бериш, ночор оилаларни қўллаб-қувватлаш — халқимизга хос бўлган эзгу қадриятлардан. Шу маънода фаолиятимиз давомида эҳтиёжманд кишиларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериб келяпмиз. Яқинда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ишсиз хотин-қизлари бандлигини таъминлаш мақсадида 10 нафар аёлга тикув машиналари ҳада қилиниб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига йўл очиб берилди.



Мустақилликнинг
34 йиллиги байрами
арафасида 5 нафар
мактаб ўқувчисига ўқув
курслари ва мактаб
кийимлар тўхфа қилиниб,
айём олди фуқароларнинг
кайфиятини кўтаришга
оз бўлса-да, ҳиссамизни
қўшдик.

ТАЖРИБА

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТЛИ ЭЛНИНГ ТУРМУШИ ФАРОВОН, ҲАЁТИ ТИНЧ БЎЛАДИ

Маҳалламизда ҳаёт жуда жўшқин. Келинларимиз қуёш чиқмасдан аввал кўчаларга сув сепиб, супуришга киришади. Атрофдан таралаётган райҳон ҳидлари кишига ўзгача завқ бағишляйди.



Дилбархон ЙЎЛДОШЕВА,
Андижон шаҳридаги
“Ғайрат” маҳалласи раиси.

Одамлардаги меҳнат қилишга, янгилик яратишга бўлган иштиёқни кўриб, менинг ҳам ғайратимга ғайрат қўшилади. Худудимизнинг асосий “драйвери” хунарамандчилик бўлгани боис кўпчиликнинг доимий даромад манбаи мавжуд. Қолаверса, улар миқозлар талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда янгилик ва ўзгаришлар қилиш ҳаракатида.

Худудимизда 4 441 нафар аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони 1 042 та бўлиб, шундан 41 таси йил бошида “Камбағал

оилалар реестри”га киритилган эди. “Маҳалла еттилиги” билан бирга олиб борилган тадбирлар натижаси улароқ, рўйхатдаги фуқароларнинг 26 нафарини ишга жойлаштириб, камбағаллар сафидан чиқаришга эришдик. Жорий йилнинг 28 август ҳолатига кўра, яна 15 та камбағал оила қолган бўлиб, шундан 5 тасида ногиронлиги бўлган фуқаролар мавжуд. 10 та хонадон вакилларини эса қизқишидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлашга киришганмиз.

“Обод хонадон” “Обод кўча” “Обод маҳалла” мезонлари асосида аҳолининг фаоллиги ва масъулиятини ошириб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 13 та кўча ҳамда 18 та кўп қават

ли уй олдида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Маҳалламизда 115 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Ижтимоий ҳодим ташаббуси билан уларнинг 19 нафарига протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилди. Бундан ташқари, бир нафарининг хонадони тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Уч нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, яна бир нафарининг жарроҳлик амалиёти учун маблағ ажратилди. Мисол учун, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Омадхон Толиповга электрон арава, оёқ протези ҳамда бел корсети олиб берилди. Одинахон Отахонованинг жарроҳлик амалиёти учун 17 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.



Ёшлар етакчиси ташаббуси билан талабалик бахтига муяссар бўлган 9 нафар ёшнинг шартнома пули тўлаб берилди. 3 нафар янги иш бошлаётган йигит-қизга субсидия асосида керакли асбоб-ускуналар тақдим этилди. Натижада улар сеvimли хўнари билан шуғулланиб, яхшигина даромад топишга эришляпти.

Ҳаракат ва интилиш бўлган жойда ҳамиша натижа қайд этиляди. Маҳалла ходимларининг ютуғи эса халқнинг тинч ва фаровон турмуш кечирishi демак. Шу мақсад сари олға ҳаракат қилишдан сира қарчамаймиз.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“MAHALLA” — МАҲАЛЛАНИНГ МУҲИМ ДАСТАГИ



Шавкатжон ИБРАГИМОВ,
Андижон шаҳридаги
“Исломобод” маҳалласи раиси:

— Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Шу маънода “Mahalla” газетаси аҳолининг турмуш тарзини ёритишда, миллий қадриятларимизни тарғиб этишда ва ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим янгиликларни кенг жамоатчиликка етказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Газета саҳифаларида оила ва маҳалла ҳаётига оид долзарб масалалар, ёшлар тарбияси, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги, маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар мунтазам ёритиб бориляди. Унда оддий инсонларнинг ибратли ҳаёти, эзгу ташаббуслари ва ютуқлари ҳақида ҳам кенг маълумот берилляди.

“Mahalla” газетаси ватанпарварлик, меҳр-оқибат, бирдамлик, бағрикенглик каби юксак қадриятларни тарғиб қилмоқда. Шу билан бирга, у аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, эзгулик ва бирдамликни мустақамлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Умуман олганда, “Mahalla” газетаси жамият манфаатларига бевоқиф дахлдор бўлган мавзуларни кўтариб чиқishi, ижтимоий фаолликни қучайтиришга хизмат қилиши билан муҳим ахборот манбаидир.



Тайландда велотрек бўйича ўтказилаётган Осиё кубогига Асал Ризаева “Scratch race” дастурида 10 километр масофада ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.



Енгил атлетикачимиз САФИНА САЪДУЛЛАЕВА 1 264 очко билан жаҳон рейтингига 12-поғонани, Осиёда 1-ўринни эгаллади.



Қирғиз кураши, қумда белбоғли кураш бўйича жаҳон кубоги ҳамда татар кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз 12 ТА МЕДАЛГА ЭГАЛИК ҚИЛДИ.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

СПОРТ

Айкидо спорт тури сифатида инсон руҳи ва танасининг уйғун ривожланишига, жисмоний соғлом бўлишига ёрдам беради. Тизимли машғулотлар руҳни тарбиялайди, чидамлилиқни оширади, вазн меъёрлашади ва муҳитга мослашувчанлик ортади. Бир сўз билан айтганда, саломатлик мустаҳкамланиб, тана ҳолати яхшиланади.

АЙКИДО — ТАЖОВУЗ ЭМАС, ТИНЧЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

У НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ, БАЛКИ МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ, ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТДИР

Миржамол ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Спорт
вазирлиги бўлими бошлиғи.

Айкидо машқ усуллари чап ва ўнг томонларда бажарилгани учун миянинг иккала ярим шари фаол ишлайди. Натижада тананинг чап ва ўнг қисмлари уйғун ривожланади. Ҳаракатлар мажмуаси мушаклар ва бўғинлар учун фойдали. Усулларни бажараётганда, диққат-эъ-

тибор тананинг марказий чизиғини, орқа бўйинни тўғри сақлашга, кўкрак қафасининг очиқ бўлишига қаратилади. Чунки тизза ва билак бўғимлари ёш ўтиши билан заифлашади, ҳаракатланиш сезиларли даражада чекланади. Айкидо машқларида шу тизимлар нафас олишга ўргатади. Шу билан бирга, ички органлар — жигар ва талокнинг иши, шунингдек, қон айланиши ва лимфа туғунлари фаолияти яхшиланади. Машғулотлар ошқозон-ичак касаллиги ва юрак-қон томир тизими хасталик-

лари билан оғриган беморларга жуда фойдали. Қолаверса, эгилувчанлик натижасида қаришнинг олди олинади. Чунки тизза ва билак бўғимлари ёш ўтиши билан заифлашади, ҳаракатланиш сезиларли даражада чекланади. Айкидо машқларида шу тизимлар нафас олишга ўргатади. Шу билан бирга, ички органлар — жигар ва талокнинг иши, шунингдек, қон айланиши ва лимфа туғунлари фаолияти яхшиланади. Машғулотлар ошқозон-ичак касаллиги ва юрак-қон томир тизими хасталик-

лигини сақлашга ва ҳажминини оширишга ёрдам беради. Кўкрак қафасининг мослашувчанлигини ривожлантиради, тўқималарнинг ксилород билан тўйинишини таъминлайди. Бу бутун тана фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи марказий асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Жисмоний машқлар барча ёш гуруҳлари вакилларига умумий мустаҳкамловчи ҳисобланади. Айниқса, болаларда турли сурункали касалликлар ривожланишига тўсқин бўлади.

Бу спорт турининг фалсафасига кўра, мақсад куч ишлатиш ёки химояланишдан иборат эмас. У орқали инсон нафақат жисмоний, балки маънавий ривожланади, интизомли, масъулиятли ва мустақил бўлишни ўрганади. Тажовузнини эмас, тинчликни тарғиб қилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўлмас НОРМИРЗАЕВ.
Ўлистон тумани:
— Узоқ йиллардан бери савдогарлик билан шуғулланаман. Баъзи вазиятларда шерикчилик асосида ишлайман. Яқинда бир ҳамкорим мендан тижорат мақсадида ишлатиш учун пул сўради. Фойдасини кўнгилдан чиқариб бераман, деди. Шу иш жоизми?

ТИЖОРАТ УЧУН ОЛИНГАН МАБЛАҒ ЭВАЗИГА ФОЙДА БЕРИЛАДИМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази:

— Йўқ, бу иш жоиз эмас. Чунки юқоридаги ҳолатда пул эгаси зарарни бўйнига олмай берган бўлса, қарз ҳисобланади. Бунда пул тўлиғича эгасига қайтарилади ва фойда-зарарнинг барчаси иккинчи томоннинг бўйнида бўлади. Агар пул эгаси, яъни сиз берган қарзингиз эвазига қўшимча пул олсангиз, рибо ҳисобланади. Зарарни бўйингизга олсангизу, лекин фойдани келишмаган ҳолда пул берган бўлсангиз, бу фосид музораба, дейилади. Чунки айни келишув низога олиб боради. Ушбу вазиятда фойда қўрилган бўлса, унинг ҳаммаси пулнинг эгаси — сизга берилиши керак. Фойда қилинмаган тақдирда, пулнинг ҳаммасини қайтариб оласиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам ишчи қилган меҳнатига яраша хизмат ҳақи билан қифояланади. Агар зарар қилинган бўлса, бу миқдор сизнинг зиммангизда бўлади, ишчи қилган меҳнатига куяди. Шунинг учун пул беришдан мақсад фойда олиш бўлса, албатта, шерикчилик(шират ёки музораба)ка оид битим тузиб олиш лозим.

БИЛГАНИНГИЗ ФОЙДА

Кузда касал бўлмай десангиз...

Куз фаслида инсон танасига инфекция ва сурункали касалликлар хавф сола бошлайди. Шунинг учун бу даврда ўз саломатлигимизга эътиборли бўлишимиз лозим.



Биринчи навбатда, иссиқ кийининг. Бел соҳасидан тепада турадиган устки кийим, калта юбка, резина таглики оёқ кийими пиелонефрит касаллигига сабаб бўлади. Шамоллашдан сақланинг. Совуқнинг салбий таъсиридан химояланиш учун мойли массаж олинг. Масалан, бодом мағзига маккажўхори, буғдой ҳамда ёнғоқ мевалари қўшиб, ҳар куни кечкурун қўл панжаси ва оёқ тоvonларини шу

восита билан уқаланг. Уйку олтидан бутун гавдангизни силанг. Муолажани энса томондан пастга, оёқ учига қадар силаш билан бажаринг. Кўпроқ мева истеъмол қилинг. Бу иммунитетни оширади. Кузги маъсулик ҳамда витамин етишмовчилигидан химоялайди. Соғлом овқатланиш қондасига риоя қилинг. Ҳаво харорати совий бошлагач, таомномага кўпроқ гўшти таом киритинг. Гўшт махсус фольга

қоғозида ёки ёғсиз димлаб пиширилган бўлсин. Таомларга занжабил, қора мурч, мускат ёнғоғи ҳамда қардамон каби қиздирадиган турли зираворлар қўшишни унутманг. Куз фаслида қовоқ жуда фойдали. Ундаги пектин моддаси инсон танасини ичакларда йиғиладиган заҳарли моддалардан тозалашда муҳим аҳамиятга эга. Димлаб ёки газ духовкасида пишириб истеъмол қилинса, парҳез таом ҳисобланади.

САЛОМАТЛИК

Соғлом турмуш тарзи хавфли инсультга қарши

Бу касаллик ўлим кўрсаткичи юқорилиги бўйича дунёда юрак-қон томир ва онкологик хасталиклардан кейинги ўринда туради. Қолаверса, ногиронлиқнинг асосий сабабларидан биридир.

Максуд САИДОВ,
Миллий тиббиёт маркази
директори.

Мияда қон айланишининг ўткир бузилиши билан кечадиган мазкур хавфли хасталиқнинг икки тури мавжуд: геморрагик ва ишемик. Геморрагик инсульт миядаги қон айланишининг ўткир бузилиши бўлиб, мия тўқимаси, тўр ости бўлиғи ёки мия қоринчаларига қон қўйилиши билан кечади. Бунда бемор қайт қилади, юзи қизаради, уйқучан бўлиб, энса мушакларида спазм ҳосил бўлади, кўз тўр пардасига қон қуйилади. Геморрагик инсульт тўсатдан бошланиб, жуда тез ривожланади. Ишемик инсультда бош мияни озуқа билан таъминловчи асосий қон томирлари беркилиб қолади ёки майда томир тармоқларида спазм ривожланади. Инсультни келтириб чиқарувчи қатор омиллар бор. Қонда холес-

терин миқдорининг ошиб кетиши, алкоголь маҳсулотлари истеъмоли, қашандалик, кам ҳаракатлик, стресс, атеросклероз, артериал гипертензия, қандли диабет ва юрак аритмияси шулар жумласидан. Улар орасида артериал гипертензия, яъни қон босими ошиши энг хавфли омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, атеросклероз ҳам инсультни келтириб чиқариши мумкин. Чекиш бу касаллик ривожланишини деярли икки баробарга оширади, қон ивишини кучайтириб, тромблар ҳосил бўлишини тезлаштиради. Томирларни торайтиради, уларнинг ички деворига зарар етказиши мумкин. Спиртли ичимликлар истеъмоли ҳам инсультга олиб боровчи хатарли омиллардан. Шу боис касалликнинг олдини олиш учун, албатта, тўғри



овқатланиш, жисмоний фаоллик, лунда қилиб айтганда, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш зарур. Таъкидлаш керакки, инсультни самарали даволаш ва унинг олдини олиш борасида давлатимиз томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Республика иxtисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази Неврология ва нейрореабилитация миллий тиббиёт маркази деб қайта номланди. Соҳага сунъий интеллект имкониятларини жорий этиш жараёни бошланган. Хусусан, ЭКГ-телеметрия, телемедицина, тромболитиз терапия, стендлаш ва тромбэкстракция йўлга қўрилмоқда. Инсульт белгиларини эрта аниқлаш алгоритминини оммалаштириш ва аҳолига ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 6-т. 8 490 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

